

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

2-МАХСУС СОҲ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ  
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-2

JOURNAL OF LAW RESEARCH  
SPECIAL ISSUE-2



# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№SI-2 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2023-SI-2>

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Fayziev Shoxrud Farmonovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

**Boboyev Halimboy Boboyevich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Sattorov Abdug'affor**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Artur Gambaryan**

yuridik fanlar doktori, professor (Armaniston)

**Yosuke Shamoto**

yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

**Malikova Gulchexra**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Xusanov Ozod Tillabayevich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Selimanova Svetlana Mixaylovna**

yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

**Xvan Leonid Borisovich**

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Peshkova Xristina Vyacheslovovna**

yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

**Sung Un Lee**

yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

**Oqyulov Omonboy**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ruziyev Rustam Jabborovich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Borotov Mirodiljon Xomudjonovich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Toshev Boboqul Norqobilovich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Shomuxamedova Zamira Shoislamovna**

yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

**Ahmad Issa Altweissi**

yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

**Esanova Zamira Normurodovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Egamberdiyev Eminjon**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jason A.**

Kanton Federal sud markazi (AQSH)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

**Usmanova Muborak Akmalxanovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Gasanov Mixail Yuriyevich**

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Sattorova Gulnoza Djurakulovna**

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Murodova Gulnora**

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Denisov Gleb**

yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Fayziyev Shuxrat Xasanovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Usmonov Muhammadi Bahridinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Xolmuminov Juma**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jo'rayev Yuldash Achilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Skripnikov Nikolay Kuzmich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Po'latov Baxtiyor Xalilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Salomov Baxrom Salomovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Salayev Nodirbek Saparbayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Osmonaliev Qayrat**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Aleksey Kibalnik**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Kudryavtsev Vladislav Leonidovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Sergey Shoshin**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)  
**James B.**  
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

**Rustambayev Mirzayusup Hakimovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Zufarov Rustam Axmedovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Kabulov Rustam**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Rajabova Mavjuda Abdullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Taxirov Farhod**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ismailov Isomiddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li**  
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)  
**Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Djansarayeva Rima Ernatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Yelena Antonyan Aleksandrovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Matthew Light**  
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)


**Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Pulatov Yuriy Safiyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**To'laganova Gulchehra Zaxitovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirazov Davron Miragzamovich**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)  
**Rijakov Aleksandr Petrovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Stoyko Nikolay Genadyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Iskandarov Zayniddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Sergey Pen**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Aleksey Purs**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)  
**Jurgen Maurer**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)  
**Kevin Curtin**  
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

**Ismoilov Bahodir Islamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Yuldasheva Govxerjan**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Alexander Trunk**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)


<b>1. Қиличев Хайрулла Маматович</b> ФУҚАРОЛАР ЙИГИНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ФУҚАРОЛИК- ҲУҚУҚИЙ ШАРТНОМАЛАРНИНГ ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ.....	5
<b>2. Ubaydullayev Abror Qutpilla o'g'li</b> ISLOM MOLIYA HUQUQI: TUSHUNCHASI, MAZMUNI VA ISTIQBOLLARI.....	15
<b>3. Ходжаев Бахшилло Камолович</b> ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ СИФАТИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛККА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАР ТРАНСФЕРИ ВА УНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ЖИҲАТЛАРИ.....	21
<b>4. Юсупова Мухбира Абдухоликовна</b> ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МАЛОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ И ПРОБЛЕМЫ ИХ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОГО ГРАЖДАНСКОГО ОБОРОТА.....	29
<b>5. Жуманов Тўлқинбой Саттарович</b> ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИГА КАДРЛАРНИ ТАНЛАШ ВА ТАЙЁРЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАР.....	40
<b>6. Абзалова Хуршида Мирзиятовна</b> ЧТО ОЗНАЧАЕТ «ПРАВО НА ЗАБВЕНИЕ» («ПРАВО БЫТЬ ЗАБЫТЫМ, ПРАВО НА УДАЛЕНИЕ ДАННЫХ»)?:.....	48
<b>7. Имомназаров Алишер Хасанович</b> КЎЗДАН КЕЧИРИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИНГ ТАДРИЖИЙ РИВОЖЛАНИШИ.....	56
<b>8. Курбанов Маъруфжон Мамадаминович, Мамазова Зарифа Курбановна</b> ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР РАҚОБАТИДА ЖИНОЯТ СУБЪЕКТИГА КЎРА ҚИЛМИШНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ.....	68
<b>9. Курбанов Маъруфжон Мамадаминович, Рашидов Фируз Туйғунович</b> ЖИНОЯТ ҚОНУНИНИНГ ҲУДУД БЎЙИЧА АМАЛ ҚИЛИШИ.....	78
<b>10. Аҳмадов Алимардон Аҳмадович</b> “ЖИНОИЙ АКТИВЛАР”НИ ҚАЙТАРИШГА ОИД ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР.....	90
<b>11. Баракаев Лазизжон Отақулович</b> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ ТИЗИМИ ЭЛЕМЕНТИ СИФАТИДА ТАФТИШ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ.....	104
<b>12. Турсунова Маликахон Улуғбековна</b> РАҚАМЛАШТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯСИНИНГ ДИПЛОМАТИК ХИЗМАТГА ТАЪСИРИ: ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ, МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	113



**Баракаев Лазизжон Отакулович,**  
 Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш  
 Академияси мустақил изланувчиси  
 E-mail: barakyevlazizjon08@gmail.com

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ ТИЗИМИ ЭЛЕМЕНТИ СИФАТИДА ТАФТИШ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ**

**For citation:** Barakaev Lazizjon Otakulovich. THE CONCEPT OF REVISION AS AN ELEMENT OF THE FINANCIAL CONTROL SYSTEM IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND ITS SIGNIFICANCE. Journal of Law Research. 2023, Special issue 2, pp.104-112

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8113969>

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада бугунги кунда иқтисодий жиноятларни тергов қилишда тафтиш молиявий назорат институти айниқса тафтиш институтининг аҳамияти, иқтисодий жиноятларни тергов қилишга мўлжалланган ташкилотлар ва уларнинг фаолият йўналишлари, молиявий назорат тизими тушунчаси, унинг турлари, унинг муҳим элементи сифатида тафтиш тушунчаси ва унинг турлари ва аҳамияти баён қилинган. Тафтиш тушунчасига оид ҳуқуқшунос олимлар фикрлари таҳлил қилинган, махсус билим тушунчаси ва шакллари сифатида тафтишга оид маълумотлар билдирилган.

**Калит сўзлар:** молиявий назорат, тафтиш, аудит, молия интизоми, таҳлил усули, молиявий назорат усули.

**Баракаев Лазизжон Отакулович,**  
 Самостоятельный соискатель Правоохранительной  
 Академии Республики Узбекистан  
 E-mail: barakyevlazizjon08@gmail.com

**ПОНЯТИЕ РЕВИЗИИ КАК ЭЛЕМЕНТ СИСТЕМЫ ФИНАНСОВОГО КОНТРОЛЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН И ЕГО ЗНАЧЕНИЕ**

**АННОТАЦИЯ**

В статье раскрывается значение ревизии как институти финансового контроля при расследовании экономических преступлений, организации предназначенные для расследования экономических преступлений и направления их деятельности, понятие системы финансового контроля, ее виды, понятие ревизии как важного ее элемента, его виды и значение. Проанализированы мнения ученых-правоведов относительно понятия ревизии, представлены сведения об ревизии как о понятии и форме специального знания.

**Ключевые слова:** финансовый контроль, ревизия, аудит, финансовая дисциплина, метод анализа, метод финансового контроля.

**Barakaev Lazizjon Otakulovich,**  
Independent researcher of Law Enforcement Academy  
of the Republic of Uzbekistan  
E-mail: barakyevlazizjon08@gmail.com

## THE CONCEPT OF REVISION AS AN ELEMENT OF THE FINANCIAL CONTROL SYSTEM IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND ITS SIGNIFICANCE

### ANNOTATION

The article reveals the significance of the revision as an institution of financial control in the investigation of economic crimes, organizations designed to investigate economic crimes and the direction of their activities, the concept of the financial control system, its types, the concept of revision as an important element of it, its types and significance. The opinions of legal scholars regarding the concept of revision are analyzed, information about the revision as a concept and form of special knowledge is presented.

**Keywords:** financial control, revision, audit, financial discipline, method of analysis, method of financial control.

Дунёда яширин иқтисодиёт (SE) улуши ривожланаётган давлатларда 2025 йилга келиб ўсиши кузатилиши тахмин қилинмоқда.[1] Иқтисодий жиноятлар дунёда 2014 йилда 37 %, 2016 йилда 36 %, 2019 йилда 47%га ошиб борганлигини кўриш мумкин.[2]

Мазкур турдаги жиноятлар тафтиш тергов ҳаракатини ўтказиш орқали аниқланади. Ушбу турдаги жиноятларни олдини олиш мақсадида 2018 йилда Европада Иқтисодий жиноятларга қарши қарши курашиш Миллий маркази (NECC) ташкил қилинганлиги иқтисодий, молиявий тафтишларни ўтказишга оид муҳим қадам ҳисобланади. NECC – халқаро марказ бўлиб, у ўзида 40 дан ортиқ молиявий институтлар масалан, Жиноятларга қарши кураш Миллий агентлиги (NCA), Фирибгарликка қарши кураш бошқармаси (SFO), Молиявий назорат бошқармаси (FCA) кабилар киради. [3] Европа кенгашининг Иқтисодий жиноятлар соҳасидаги ҳамкорлик бўлими (ECCD) коррупция ва легаллаштириш, молиявий терроризм жиноятларига қарши курашишга иқтисослашган. ECCD ташкилоти Европа давлатлари учун Европа Кенгаши коррупция ва легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш жиноятларига қарши курашга оид стандартларини ишлаб чиқмоқда. Ушбу ташкилотлар тафтиш далилларни тўплаш усулини қўллашга оид стандартларни ишлаб чикувчи ташкилотлар ҳисобланади. [4]

Жаҳонда тадбиркорлик субъектларини тафтишдан ўтказишдаги ҳуқуқларини муҳофаза қилишга оид янги институтларни жорий қилиш, тафтиш ўтказиш тартибини такомиллаштириш, текширилаётган субъект мансабдор шахсларининг ёки вакилларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини такомиллаштириш, аудиторлик текширувларини ўтказиш тартибини такомиллаштириш каби янги механизмларини жорий этишга оид илмий тадқиқот ишлари олиб борилишини тақозо қилмоқда. Тафтиш далолатномасини далил тури сифатида белгилаш, тафтиш ўтказган шахсларнинг ёлғон далолатнома берганлик учун жавобгарлик белгилаш, тафтишнинг янги самарали турларини жорий қилиш, тафтиш ўтказиш методикасини яратиш, тафтиш унга нисбатан қўлланилаётган шахсларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ муаммоларнинг назарий ва амалий ечимини топиш талаб қилинади.

Республикамизда тадбиркорлик субъектларини муҳофаза қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоясини кафолатлаш мақсадида ислоҳотлар олиб борилмоқда. 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва унинг иловаларида 123 марта тадбиркорлик сўзи ишлатилган, демакки, ушбу йўналишни ривожлантириш ва фаолиятини кафолатлаш давлатнинг асосий вазифаларидан бири саналади. Ушбу кафолатлардан бири Жиноят-процессуал қонунчилигидаги тафтиш институти ҳисобланади. Тафтиш институти такомиллаштириш, унинг қўлланиш муддатларини инсонпарварлик принципларидан келиб чиқиб қайта кўриб чиқиш, тафтиш ўтказиш усулларини очиклигини таъминлаш, тафтиш ўтказиш жараёни ва натижалари ҳақида тезкорлик билан

маълумот берилишини таъминлаш, тафтиш ўтказишга кўмак берувчи янги институтларни жорий қилиш орқали унинг тезкорлигини таъминлаш, тафтишнинг далилий кучини аниқлаштириш, тафтишчи мутахассиснинг ёлгон далолатнома берганлик учун жавобгарлигини белгилаш, уни далолатнома юзасидан сўроқ қилиш тартибини жорий қилиш, тафтиш қилишнинг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш ҳамда тартиб-таомилларини такомиллаштириш; тафтишчи ҳуқуқий мақомини ЖПКда акс эттириш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу эса, тафтиш тайинлаш ва ўтказиш, унинг қонунийлигини таъминлаш, халқаро стандартлар асосида ушбу институтни янада ривожлантириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституциясининг 65-моддасида “Фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратади, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлайди. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади” деб таъкидланган[5]. Асосий қонуннинг ушбу нормаси мамлакатимизда мустақиллик йилларида бозор иқтисодиётининг асоси бўлган хусусий мулк устуворлигини таъминлашга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий базанинг асоси бўлиб хизмат қилади. Ўтган йиллар давомида мулкдорлар синфини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва ролини оширишга қаратилган юздан ортиқ Қонун, Фармон ва Қарорлар, шунинг норматив-ҳуқуқий Ҳужжатлар қабул қилинди ва қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди ва амалга ошириб келинмоқда.

Молиявий назорат тизимини таҳлил қилишда аввало ушбу тушунчани тўлиқ таҳлил қилиш эҳтиёжи мавжуд.

Молиявий назорат – мамлакатимизда амалга ошириладиган назорат фаолиятининг таркибий қисми, махсус тармоғидир. Молиявий назоратнинг мавжуд бўлиши унга иқтисодий категория сифатида фақатгина тақсимлаш вазифасигина эмас, балки назорат қилиш вазифаси ҳам юклатилганлиги билан объектив белгиланган. Шу сабабли давлатнинг молиявий назоратдан ўз олдига қўйилган вазифаларни ҳал этишда фойдаланиши иқтисодий тараққиётга хизмат қилади. Молиявий назорат давлат ҳокимияти ва маҳаллий идораларнинг барча тизими, шу жумладан махсус назорат идоралари томонидан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади. [6]

Молиявий назоратнинг аҳамияти куйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, давлат ва жамоат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фуқаролар томонидан молиявий фаолиятни амалга оширилишида ҳуқуқий тартибга риоя этилишини кузатиб борилади;

иккинчидан, амалга оширилаётган молиявий ҳаракатларнинг иқтисодий асосланганлиги ва самарадорлигини, бу ҳаракатларнинг давлат олдида турган вазифаларга мувофиқ келишини текширилади.

Молиявий назорат – бутун назорат тизимининг таркибий қисми бўлиб, унинг йўналиши, давлат молия сиёсатини муваффақиятли амалга ошириш, тармоқлар иқтисодидаги барча соҳа ва бўйларда молиявий ресурсларни шакллантириш ва самарали фойдаланишга қаратилган бўлади. Бозор иқтисодига ўтиш даврида ва бозор муносабатлари ривожланган тақдирда ҳам молиявий назоратнинг салоҳияти пасаймасдан, балки ошиб боради.

Шундай қилиб, молиявий назорат – молиявий фаолиятни амалга ошириш пайтида қонунчиликка риоя этиш, ҳаракатларни мақсадга мувофиқлигини таъминлашнинг муҳим воситаси, пул жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш, улардан фойдаланиш юзасидан давлат ва маҳаллий ҳокимият субъектлари амалга ошираётган ҳаракатларнинг қонунийлиги, ҳамда мақсадга мувофиқлиги устидан мамлакатнинг, унинг айрим минтақаларининг самарали

ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган назоратдир. [7]

Молиявий назорат барча молиявий ҳуқуқий институтларга хосдир. Шу сабабли умумий молиявий ҳуқуқий меъёрлар билан бир қаторда айрим турдаги молиявий йўналишларда молиявий назоратни амалга оширишни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгиловчи махсус нормалар ҳам мавжуддир. Молиявий назорат амалга ошириладиган муносабатлар текширилиши пайтида:

а) ташкилотлар ва фуқаролар томонидан ўз фаолиятлари давомида давлат, маҳаллий ҳокимият идоралари олдидаги молиявий мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилиш;

б) давлат ва маҳаллий корхона, муассаса, ташкилотлар томонидан уларнинг ихтиёрида ёки оператив бошқарувида бўлган пул маблағларидан тўғри фойдаланилаётганлигини назорат қилиш;

в) корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан молиявий операциялар, ҳисоб-китоблар ва пул маблағларини сақлаш ва сарфлаш қоидаларига риоя этилишини кузатиб бориш;

г) корхоналар самарадорлиги, меҳнат унумдорлиги, моддий ва бошқа ресурслардан унумли фойдаланиш юзасидан қўшимча имкониятларни қидириб топиш;

д) молия интизомининг бузилиш ҳолларига, уларни келтириб чиқарувчи сабабларга барҳам бериш, қонун бузилиш ҳоллари аниқланган тақдирда эса, корхона ва ташкилотларга, уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан қонунда кўзда тутилган таъсир чораларини кўриш мақсадлари назарда тутилади. [8]

Молиявий назорат зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши, мамлакатда молия интизомининг мустаҳкамланишига, қонунга хилоф хатти-ҳаракатларнинг олди олинишига, иқтисодий тараққиётга хизмат қилади.

Молия интизоми бу – маҳаллий бошқарув субъектлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан давлат жамғармаларини шакллантириш, тақсимлаш, улардан фойдаланиш пайтида белгиланган йўл йўриқлар ва тартибларга аниқ ва қатъий риоя қилишдан иборат.

Молия интизомига оид талаблар фақат корхона, ташкилотларга эмас, балки шу билан бирга давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув идораларига ҳам тўла тааллуқдир. Молиявий назорат фақатгина пул маблағларинигина эмас, балки моддий, меҳнат ва бошқа ресурслардан тўғри фойдаланишни ҳам ўз ичига олади. Молиявий назорат самарадорлиги молиявий хўжалик фаолиятини чуқур ва ҳар томонлама молиявий-хўжалик жиҳатдан таҳлил этилишини талаб қилади.

Хўжалик бошқарувини энг муҳим усули ҳамда хўжаликда қонунчиликнинг бузилишга қарши курашнинг энг самарали воситаси - хўжалик фаолияти устидан назорат қилишни ташкил этиш ҳисобланади.

Махсус бухгалтерия ҳисоби билимларидан фойдаланишнинг у ёки бу шаклини амалда қўллаш - тергов ўтказилаётган жиноят ишининг мураккаблиги ва аниқ вазифаларига боғлиқдир.

Молиявий назорат – молиянинг назорат функциясини ҳаётга татбиқ этиш кўринишида намоён бўлиб, у молиявий назоратнинг мазмуни ва йўналишини белгилаб беради. Шундай бўлсада, молиявий назоратнинг мазмуни ва йўналиши жамиятдаги ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатларининг ўзгаришидан келиб чиққан ҳолда ўзгариб туради. Масалан, корхоналарнинг хўжалик юритиш ҳуқуқларининг кенгайиши, уларнинг молиявий фаолиятини олиб боришдаги мустақиллиги, тадбиркорликнинг рангбаранг кўринишдаги мулк шакллариининг вужудга келиши молиявий назоратнинг мазмунини бойитишга олиб келади. Молиявий назорат бу махсус шакл ва услубларни қўллаш орқали хўжалик юритувчи ва бошқарув органларининг молиявий фаолияти билан боғлиқ бўлган масалаларни текширишга қаратилган ҳаракатлар ва тафтишлар йиғиндисидир.

Молиявий назорат маълум бир соҳаларда қўлланилиб, ўзига хос мақсадли йўналишга эга бўлади. Молиявий назоратнинг объекти бўлиб, унга молиявий ресурсларнинг ҳаракати,

шаклланиши ва фойдаланишдаги тақсимлаш ва пуллик жараёнлар шунингдек, тармоқлар иқтисодиётининг барча бўғинларидаги фонд шаклидаги пул ресурслари ҳам киради.

Бевосита текшириш предметлари эса, молиявий (қиймат) кўрсаткичлар таркибига кирувчи фойда, даромад, бевосита ва билвосита солиқлар, рентабеллик, маҳсулот таннархи, муомала харажатлари, турли хил мақсадлар ва фондларга ажратмалар ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичлар уйғунлашган характерга эга бўлади, шунинг учун назорат, хўжалик юритувчиларнинг ишлаб чиқариш, хўжалик юритиш, тижорат ҳамда молия-кредит механизмидаги ўзаро боғлиқликни барча томонларини камраб олади.

Молиявий назорат қуйидаги текширишларни ўзида акс эттиради:

- қонун талабига риоя этиш;
- миллий даромад ва ялпи ижтимоий маҳсулот қийматини тақсимлаш ва қайта тақсимлашдаги оптималликни таъминлаш;
- давлат бюджети даромадини ташкил этиш ва ижроси (бюджет назорати)ни таъминлаш;
- корхона, ташкилот ва бюджет муассасаларида молиявий, меҳнат ва материал ресурсларидан самарали фойдаланиш;
- хўжалик субъектларининг молиявий ҳолати юзасидан солиқ назорати.

Молиявий назоратнинг олдида ҳал қилиниши лозим бўлган қуйидаги вазифалар туради:

- тармоқлар иқтисодиётидаги пул даромадлари фондлари билан молиявий ресурсларга бўлган талаб ўртасидаги мутаносибликка таъсир ўтказиш;
- давлат бюджети олдидаги молиявий мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқлигича бажарилишини таъминлаш;
- молиявий ресурсларни юксалтиришда ички ишлаб чиқариш резервларини аниқлаш;
- таннархни пасайтириш ҳисобига рентабелликни яшириш йўллари кўрсатиш;
- хўжалик юритувчи субъектларининг пул ресурслари ва моддий бойликларини мақсадга мувофиқ объектларга сарфлашга таъсир қилиш, шунингдек, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тўғри юргизиш;
- ҳаракатдаги қонунчилик ва норматив актларга риоя қилишни таъминлаш, шунингдек, турли хил мулк шаклидаги корхоналарни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш учун таклифлар бериш;
- корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолияти ва валюта операцияларидан юксак иқтисодий самара олишга шарт-шароит яратиш ва шу қабили. [9]

Жамиятдаги иқтисодий ҳаётнинг турли хил соҳаларида ва хўжалик бошқарувидаги кўп қиррали мураккаб вазифаларни ҳал қилишда молиявий назорат фаол иштирок этади, шунга биноан уни ташкил этиш учун маълум бир талабларни аниқлашни тақозо этади.

Молиявий назоратни амалга оширувчи субъектлар ўз мавқеидан келиб чиқиб қуйидагича фарқланади:

- давлат молия назорати;
- корхона ичидаги молия назорати;
- жамоа молия назорати;
- мустақил (аудиторлик) молия назорати.

Молия назоратининг **таҳлил усули** муқаррар ва омилкор бўлиши лозим, чунки у даврий йиллик ҳисоботлар орқали бажарилади. Пировардида, маблағларни харажат қилиш нормаси таъминланади ва режанинг бажарилиши аниқланади.

Молия назоратининг тафтиш усули корхона ва ташкилотларнинг ҳисобот давридаги молия-хўжалик фаолиятини текшириш учун қўлланилаётган энг устувор усулларидан бири ҳисобланади.

Бозор муносабатларига ўтилиши, эркин иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши натижасида молиявий назоратни ташкил этиш соҳасида, унинг мазмунида туб ўзгаришлар содир бўлди. Корхоналарнинг кундалик ички назорати аҳамияти ошди, назорат қилувчи давлат идоралари тизими, уларнинг вазифалари ўзгарди.

Қонунчиликда молиявий назоратни амалга оширувчи идоралар билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги ўзаро муносабат шакллари белгилаб қўйилди ва бу муносабат назорат самарадорлигини оширишга, иқтисодий жиноятчиликка зарба беришга қаратилгандир.

Молиявий назорат бир қатор турларга бўлинади. Масалан, амалга оширилиш вақтига кўра у дастлабки, кундалик ва якуний бўлиши мумкин.

Молиявий назорат, шунингдек мажбурий ва ўз ташаббусига кўра амалга оширилиши мумкин.

Мажбурий назорат қонунчилик талабига мувофиқ ёки ваколатли идоралар қарорига кўра амалга оширилиши мумкин.

Ўз ташаббусига кўра назорат корхона, ташкилотларнинг ўзлари хоҳлаган пайтда амалга оширилиши мумкин.

Молиявий назорат турли усулларда олиб борилади. **Молиявий назорат усуллари деганда** уни амалга ошириш йўллари, воситалари ва шакллари назарда тутилади. Молиявий назоратнинг қуйидаги усуллари мавжуд: тафтиш, текшириш, молиявий режа лойиҳаларини кўриб чиқиш, мансабдор шахс ҳисоботи, ахборотларини эшитиш ва бошқалар.

**Молиявий назоратнинг асосий усули — тафтиш** ўтказишдир. Тафтиш ўз объектларига кўра: а) ҳужжатлар асосидаги; б) амалдаги; в) тўлиқ; г) танлаш йўли билан ўтказиладиган турларга бўлинади. Ташкилий жиҳатига кўра: режали ва режасиз; атрофлича (бир неча идора томонидан) бўлиши мумкин. Тафтиш 30 кундан ортиқ давом этмаслиги керак. [10]

Жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни амалга оширишда ва судда кўрилганда терговчи ва суд ходимлари бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги махсус билимларга мурожаат қиладилар ЖПКда махсус билимлардан фойдаланишнинг уч шакли қайд этилган:

1. Тергов ўтказилишда ва суд фаолиятида мутахассиснинг қатнашиши;
2. Тергов ва судда кўрилатган жиноий ишлар бўйича ҳужжатли тафтиш ўтказиш;
3. Суд бухгалтерия экспертизаси.

Жиноятларни очиш ва тергов қилиш жараёнида, шунингдек жиноят ишлари бўйича суд муҳокамасини ўтказишда махсус билимлардан фойдаланиш доимо муҳим аҳамият касб этиб келган. Ушбу ҳолат илм-фан, техниканинг бугунги кундаги эришаётган ютуқларига мос равишда янада кенгайиб бормоқда. Фан-техниканинг такомиллашуви жараёни жиноят ишлари бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун аҳамиятли бўлган махсус билимлар ёрдамида аниқланадиган масалаларнинг доирасини доимий тарзда кенгайиб боришида ўзининг аксини топаяпти.

Тафтиш ўтказилиши мураккаб жараён бўлиб, илмий-техник, услубий, ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатларга эга. Уларнинг ҳар бири экспертлик фаолиятининг самарали бўлишини таъминлаш учун муайян аҳамият касб этади.

Тайёрланаётган ёки содир этилган жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш, суриштирув ва тергов фаолиятини юритиш, жиноят ишларини судда ҳал этиш фаолиятини амалга оширишда дастлабки тергов идоралари ва суд ҳал этилиши учун махсус билимлар талаб қиладиган масалаларга дучор бўладилар.

Терговчи ва иш бўйича юритувни амалга ошираётган бошқа шахслар ҳуқуқшунос мутахассис ҳисобланадилар ва бундай мураккаб масалаларни муайян соҳа билимлари эгаларининг ёрдамсиз ҳал эта олмайдилар. Хусусан, мулкни растрата қилиш ёки ўзлаштириш орқали талон торож қилишда жиноят ишини кўзғатиш учун асос бўлиб, тафтишчи томонидан тузилган тафтиш далолатномалари хизмат қилади. Бундай турдаги жиноят ишлари кўзғатилганидан сўнг мажбурий тарзда кўрсатиб ўтилган шахслар чақирилиб гувоҳ тариқасида сўроқ қилинадилар ва ишнинг муайян ҳолатлари аниқлаштириб олинади. Бундан ташқари дастлабки терговни амалга ошириш жараёнида терговчи махсус тавсифланадиган маълумотномаларни олиш учун турли муассасаларга мурожаат қилади.

Кўрсатиб ўтилган ҳолларда терговчилар томонидан махсус билимлардан фойдаланиш тафтиш ва суд-бухгалтерия экспертизаларини тайинлаш, ҳужжатларни талаб қилиб олиш ва гувоҳларни сўроқ қилиш орқали чекланган чегараларда ўтказилади.

Бундан ташқари қонунчиликда жиноят ишлари бўйича терговни амалга оширишда махсус билимлардан фойдаланишнинг бир неча турлари кўрсатиб ўтилган: тафтиш (ревизия), идоравий текширув, маълумотлар бериш бўйича фаолиятни амалга ошириш, тергов ҳаракатларини ўтказишга мутахассисни жалб қилиш, ишда иштирок этиш учун таржимонни жалб қилиш, педагогнинг, қонуний вакилни ишга жалб қилиниши, экспертиза текшируви учун намуналар олиниши, шунингдек экспертизаларни тайинланиши ва ўтказилиши.

Тафтиш – жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахслар ва органларнинг топшириғига биноан амалга ошириладиган фаолият бўлиб, тафтишчи ихтиёрига тақдим этилган материалларни ўрганиш ва ўтказилган тадқиқотларнинг натижаларига кўра далилий кучга эга бўлган хулосалар беришдан иборатдир.

Шундай қилиб, тафтиш қуйидаги сифатлар билан тавсифланади:

а) унинг ўтказилиши – юзага келган масалаларни махсус билимларни ишлатиш орқали ҳал этиш вазифасига эга процессуал ҳаракатдир;

б) тафтиш тайинланиши билан тафтишчи-мутахассис жиноят процессига субъект сифатида киритилиб, муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади, ҳамда ўз фаолиятини амалга оширишда нисбий мустақилликка эга бўлади;

в) тафтиш натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади ва улар кейинчалик жиноят ишида далил сифатида ишлатилиши мумкин.

Тафтиш хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини, бухгалтерлик ҳисоби ва моддий бойликларнинг ҳисобининг тўғри йўлга қўйилганлигини текшириш учун ўтказилади. Унинг экспертизадан (суд-бухгалтерлик, қурилиш-техник ва х.к.) фарқланиши унинг процессуал шаклидан иборат.

Тафтиш тушунчасининг тўғри белгиланиши ва унинг турларини аниқ ажратилиши жиноят ишларини тергов қилишда тафтишчиларнинг махсус билимларидан фойдаланишнинг самарадорлиги юқори даражада бўлишига хизмат қилади. Терговчи томонидан тафтиш ва текширувларнинг турлари ҳақидаги билимларга эга бўлиш илгари ўтказилган тафтишлар Хужжатларини тўғри баҳолашга, тергов қилинаётган жиноят иши материалларидан келиб чиққан ҳолда бирламчи, қўшимча, тақрорий тафтиш тайинлашда тафтишнинг турини тўғри танланишига хизмат қилади.

Тафтиш хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятига тааллуқли равишда амалга оширилган ҳар бир ўтказма ва операциянинг бухгалтерлик ҳужжатларида акс эттирилишини текшириш мақсадларида қайта кўриб чиқилиши мумкинлигини англатади.

Хужжатли тафтиш хўжалик текширилишининг тури ҳисобланади. Хужжатли тафтишнинг асосий вазифалари қаторига белгиланган молия-хўжалик вазифаларининг тўғри бажарилишини назорат қилиш, моддий ва молиявий ресурсларни тўғри ишлатилишини текшириш, назорат-тафтиш ишларининг тўғри йўлга қўйилганлигини текшириш, ҳамда қўшиб ёзишлар, ўзлаштириш, растрата қилиш ҳолатлари ва бошқа ноқонуний ҳатти-ҳаракатларнинг мавжудлигини текширишдан иборатдир.

Юридик адабиётларда ҳужжатли тафтишнинг тушунчаси ва мазмуни турли равишда талқин қилиниши оқибатида тергов органлари томонидан унинг моҳиятини нотўғри тушунилишига ва қўлланилишига олиб келади. Бу асосан тафтишчининг ҳал этиши учун унинг ваколатли доирасига кирмайдиган, нотўғри саволларнинг қўйилиши, ўтказилган тафтиш ҳужжатларининг дастлабки тергов материалларида нотўғри ишлатилиши ёки умуман ишлатилмаслиги, тафтишчилар томонидан ўз ваколатлари доирасига кирмайдиган саволларга жавоб беришларида намоён бўлади.

Тафтиш жарёнида:

а) корхона, ташкилотнинг барча фаолияти қамраб олинади;

б) корхона, ташкилот фаолиятидага барча салбий ҳолатларни (хўжасизлик, молиявий йўқотишлар, камомадлар ва ҳоказо) ўрганишга алоҳида эътибор қаратилади;

в) ушбу камчиликларнинг йўл қўйилишига сабаб бўлган барча мансабдор шахслар аниқланади;

г) корхонада мол-мулкни сақланишига, моддий, молиявий ва пул ресурсларидан унумли фойдаланишга қаратилган чораларнинг самараси баҳоланади.

Шундан келиб чиққан ҳолда тафтиш ўтказиш жараёнида корхонанинг ишлаб чиқаришга оид, молиявий-хўжалик фаолиятига оид ҳужжатлар текширилиши керак. Бухгалтерлик ҳисоби юритилишининг ҳолати тафтиш учун асосий ва ягона манба бўлмайди. Тафтиш ўтказиш жараёнида фактик таҳлил усуллари (инвентаризация, лаборатория текшируви, назорат ўлчаш ва ҳкз) ҳам қўлланилади ҳамда бухгалтерлик ҳужжатларидан ташқари бошқа ҳужжатлар ҳам (масалан, меҳнат дафтарчаларидаги ёзувлар ва ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқлар солиштирилади) текширилади, шунингдек назорат нафақат тафтишчи томонидан балки бошқа мутахассис томонидан ҳам амалга оширилади.

Ўтказилаётган комплекс тафтишларнинг сифатини ошириш ва корхона фаолиятининг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятинининг барча жабҳаларини қамраб олиш мақсадида тафтиш-назорат бўлимлари штатига турли мутахассислар – қурувчилар, ўлчовчилар ва бошқалар киритилади.

Агарда терговчининг жиноят иши материаллари асосида тузилган топшириғини тафтишнинг предмети сифатида хизмат қилишини инобатга олинадиган бўлса, тафтишчилар текширувни амалга ошириш жараёнида фақат терговчи томоиндан қўйилган саволлар билан чекланиши лозимлиги ҳамда теширув жараёнидан аниқланаётган бошқа суиистеъмолликларга эътибор қаратмасликлари кераклиги келиб чиқади. Бу эса тафтишчиларнинг ташаббусларини чекланишига ва терговнинг сифатига таъсир қилиб, зарарли оқибатларни келтириб чиқаришига сабаб бўлади. Айнан шунинг учун терговчининг тафтиш тайинлаш тўғрисидаги топшириғи мазмуни ва қўйилган саволларнинг ҳажми тафтишни олиб борилиши ва жиноят ишини тергов қилиш жараёнида аниқланаётган янги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда кенгайиб бориши мумкин.

Тафтиш тергов органининг талаби биланми ёки режали тарзда амалга оширилшидан катъий назар унинг предмети бўлиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб-чиқариш, молиявий-хўжалик фаолияти, унинг самарадорлиги, мансабдор шахсларнинг қарорлари ва ҳатти-ҳаракатларининг қонунийлигини текширишдан иборат. Юқорида келтирилган тафтиш турларининг мақсади ҳар хил. Режали тарзда амалга ошириладиган тафтишнинг мақсади корхонанинг нормал тарзда молиявий-хўжалик фаолиятини белгиланган вақтда юқори турувчи органлар томонидан текширишдан иборат.

Жиноят иши қўзғатилиши муносабати билан тайинланадиган ва ўтказиладиган тафтишнинг мақсади қуйидагилардан: талон-торож ёки бошқа жиноий қилмишлар содир этилганлиги ёки содир этилмаганлигини аниқлаш, молиявий операцияларнинг тўғри бажарилганлигини, бухгалтерлик ҳисобини тўғри юритилган-лигини, моддий ресурсларнинг ҳаракатланиши тўғри ташкиллаш-тирилганлигини текширишдан иборатдир.

Тафтишнинг объектлари бўлиб, хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш, молия-хўжалик юритиши фаолиятини ўзида акс эттирувчи ҳар қандай молиявий ҳужжатларда акс этган ҳолатлар хизмат қилади. Хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш ва молия-хўжалик фаолияти бўхгалтерлик ҳисоби ҳужжатларида акс этади, улар қуйидагилардан иборат:

- бухгалтерлик баланси (хўжалик юритувчи субъектнинг асосий воситаларини, уларнинг молиявий манбаларини умумлаштириш, иқтисодий жиҳатдан гуруҳлаштириш усули);

- бухгалтерлик ҳисоби ҳисоб-рақамлари (бир хил табиатга эга хўжалик юритиш, унинг манбалари ва хўжалик операцияларини пул маблағлари кўринишида гуруҳлаштиришнинг бир вақтда икки маротаба ёзиш усули орқали расмийлаштириш);

- бухгалтерлик ҳисоби маълумотларининг умумлаштириш (хўжалик юритувчи субъект, унинг юқори органлари, концерн, холдинг, корпорация миқёсида амалга оширилган фаолиятинининг натижаларини ягона тарзда умумлаштириш);

- калькуляция (хом-ашё тайёрлаш, тайёр маҳсулот чиқаришга кетказилган сарф-ҳаражатларнинг таннарҳини аниқлаш);

– ҳисобот юритуш (бухгалтерлик ҳисоби услубининг асосий элементи бўлиб, хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг таннархда, натурал қийматда ва меҳнат кўрсаткичларида акс этган тизимни ташкил қилади);

– инвентаризация (товар-моддий бойликларнинг ва пул маблағларининг амалдаги қолдиғни аниқлаш, корхонанинг барча ҳисоб-китобларини текшириш, ҳамда уларни ҳисобот тизими маълумотлари билан солиштириш);

– ҳужжатлаштириш (барча бухгалтерлик ҳисоби кўрсаткич-ларининг ҳуқуқий негизи сифатида, белгиланган қоидаларга мувофиқ тарзда хўжалик операцияларини бирламчи рўйхатга олиниши; кейинчалик счётлар тизимида, хўжалик операцияларини рўйхатга олиниши ва гуруҳлаштирилиши учун асос бўлиб хизмат қилади).

Тафтишнинг объектлари бўлиб, шунингдек режалар, сметалар, тезкор ва статистик ҳисоблар тузилиши билан боғлиқ маълумотлар ҳам хизмат қилиши мумкин.

Фактик маълумотлар тафтишчи томонидан қўйидаги фактик назорат усулларини – инвентаризация; назорат ўлчаш; идоровий экспертиза; лаборатория таҳлиллари; тушунтиришлар олиш; турли маълумотларни талаб қилиб олиш ва ҳоказоларни қўллаш орқали тўпланади.

Хулоса қилиб айтганда, тафтиш молиявий назоратнинг бир элементи бўлиши баробарида унинг энг муҳим шаклларида бири саналади. Тафтиш институтига оид назарий қоидаларни тўғри шакллантириш унга оид қонунчилик ва амалиётни такомиллаштиришга хизмат қилади.

#### Иқтибослар/Сноски/References:

1. [ccaglobal.com/gb/en/technical-activities/technical-resources-search/2017/june/emerging-from-the-shadows-the-shadow-economy-to-2025.htm](https://ccaglobal.com/gb/en/technical-activities/technical-resources-search/2017/june/emerging-from-the-shadows-the-shadow-economy-to-2025.htm)
2. Растегаева Ф.С. Форензик: понятие и особенности. электронный научный журнал «Вектор экономики». 2020 № 9. с. 7 (Rastegaeva F.S. Forensic: concept and features. electronic scientific journal "Economy Vector". 2020 No. 9. P. 7).
3. <https://www.nationalcrimeagency.gov.uk/what-we-do/national-economic-crime-centre>.
4. <https://www.coe.int/en/web/corruption/home>.
5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон (Constitution of the Republic of Uzbekistan. National database of legislative information, 01.05.2023, No. 03/23/837/0241). <https://lex.uz/docs/6445145>.
6. Мўминов Б.А. Судга қадар иш юритувида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланиш. Монография. – Т.: 2017 й. 22 б. (Mominov B.A. The use of special economic knowledge of the pre-trial stage. Monograph. - T.: 2017. 22 p.)
7. Мўминов Б.А.. Даствлабки терговда тафтиш тайинлаш ва ўтказиш. Монография. –Т.: 2015 й. 9 б. (Mominov B.A. Appointment and conduct of an audit during the preliminary investigation. Monograph. -T.: 2015. 9 p.)
8. Климова З.П. Производство ревизии по уголовным делам. –М., 1999. -С.27-36 (Klimova Z.P. Production of audit on criminal cases. -M., 1999. -P.27-36)
9. Мўминов Б.А. Судга қадар иш юритувида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишни такомиллаштириш. Дисс. – Т.: 2018 й. 40 б. (Mominov B.A. The use of special economic knowledge of the pre-trial stage. Diss. - T.: 2018. 40 rubles.)
10. Пупко Г.М. Аудит и ревизия: учебное пособие. – Мн.: Интерпрессервис; Мисанта, 2003. – С. 24. (Pupko G.M. Audit and revision: textbook. - Minsk: Interpressservice; Misanta, 2003. - P. 24.)



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

2-МАХСУС СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ  
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-2

JOURNAL OF LAW RESEARCH  
SPECIAL ISSUE-2

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000